

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.28.02.2018.FM.60.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУЧҚАРОВ БЕҲЗОД ХОШИМЖОНОВИЧ

**ЯРИМЎТКАЗГИЧ-ДИЭЛЕКТРИК ЧЕГАРА БЎЛИМИ
ФАЗАЛАРИНИНГ ДИНАМИК ХОССАЛАРИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2018

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on physical-
mathematical sciences**

Кучкаров Бехзод Хошимжонович

Яримўтказгич-диэлектрик чегара бўлими фазаларининг динамик
хоссалари 3

Кучкаров Бехзод Хошимжонович

Динамические свойства фазовые границы раздела полупроводник-
диэлектрик 21

Kuchkarov Bekhzod Khoshimjonovich

Dynamic properties of semiconductor-insulator interfaces..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.28.02.2018.FM.60.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУЧҚАРОВ БЕҲЗОД ХОШИМЖОНОВИЧ

**ЯРИМЎТКАЗГИЧ-ДИЭЛЕКТРИК ЧЕГАРА БЎЛИМИ
ФАЗАЛАРИНИНГ ДИНАМИК ХОССАЛАРИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2018

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1. PhD/FM42 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасига (www.adu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматкаримов Одилжон Охундадаевич
физика-математика фанлар доктори

Расмий оппонентлар:

Каримов Абдулазиз Вахитович
физика-математика фанлар доктори, профессор

Каримов Иброхим Набиевич
физика-математика фанлар доктори

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.28.02.2018.FM.60.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz, Андижон давлат университети мажлислар зали).

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30.)

Диссертация афтореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

С.З. Зайнабидинов

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик

А. О. Курбанов

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш котиби, ф.-м.ф.н.

М.З. Носиров

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ўринбосари, ф.-м.ф.н., доцент

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда замонавий электрониканинг базавий элементлари ҳисобланган металл-диэлектрик-яримўтказгич (МДЯ) структуралар асосидаги майдон транзисторлари, хотира элементлари, интеграл микросхемалар ишчи характеристикаларининг турли таъсирларга чидамли ва барқарор бўлишини таъминлашга катта эътибор берилмоқда.

Шу маънода диэлектрик ва яримўтказгич чегара бўлими соҳаларида рўй берадиган физик жараёнлар механизмларини ойдинлаштиришга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотларни, жумладан қуйидаги йўналишдаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади: МДЯ структуралар асосидаги қурилмалар интеграция даражасини ошириш; диэлектрик яримўтказгич чегара соҳасида заряд ташувчиларни шаклланиш тезлиги ва миқдорини катта аниқликда бошқариш; МДЯ асосли қурилмаларнинг турли хил ташқи таъсирларга чидамлилигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига, жумладан, яримўтказгичлар физикаси соҳасида ташқи таъсирларга чидамли, муҳим аҳамиятга эга, кремний асосида кўп қатламли МДЯ структуралар олишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-2772-сон «2017-2021 йилларда Электротехника саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар Академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг «III. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли хилдаги ташқи омилларнинг яримўтказгич-диэлектрик чегара соҳаси хоссаларига таъсирини ўрганиш бўйича кўп ишлар бажарилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги одатда кенг фойдаланиб келинаётган кремний-кремний икки оксиддан иборат структурага бағишланган. Уч қатламли структуралар электрофизик хусусиятларини ўрганиш жаҳоннинг илғор мамлакатлари илмий

марказларида олиб борилмоқда. Жумладан, М.Шимбо, С.Таи, М.Киоши (Япония), В.Керн, Г.Л.Счанабл (АҚШ), П.С.Винокукс, И.Броесч (Англия) сиртий зарядлар юзага келиш механизмларини тадқиқ этишган. Яримўтказгич сиртида локаллашган (маҳаллийлашган) марказларнинг ток ташувчилар механизмига таъсири россиялик олимлар А.А.Лебедев, Л.С.Берман, В.И.Фистуль, А.С.Барабан, П.П.Коноровлар томонидан кенг ўрганилган. Ўзбекистонлик академиклар М.С.Саидов, Р.А.Мўминов, А.Т.Мамадалимовлар яримўтказгичли структураларда электрофизик жараёнлар механизмини ойдинлаштиришга муносиб ҳисса қўшганлар. Яримўтказгич хоссаларини турли хил киришмалар билан ўзгартириш усуллари академиклардан М.Боходирхонов ва С.З.Зайнобидиновлар, шунингдек, таниқли олимлар К.П.Абдурахманов, А.В.Каримов ва бошқалар томонидан ривожлантирилган. ЎзМУ физика факультети ва Физика-техника институти яримўтказгичлар лабораторияларида С.И.Власов раҳбарлиги остида турли хилдаги киришмалар киритилган n-типдаги кремний ва кремний икки оксид пардадан иборат диэлектрик қатламнинг чегара соҳасида рўй берадиган физик жараёнларга ҳар хил ташқи таъсирлар натижалари ўрганилган. Жумладан, Ш.Х.Далиев, Д.Э.Назиров, П.Б.Парчинский ва бошқалар томонидан n-турдаги кремний сирти билан кремний икки оксид парданинг чегара соҳаси ишчи характеристикаларига ташқи босим, температура, электр майдони, ультратовуш, термоцикли ишлов, гамма нурланиш, протонли нурланиш каби таъсирлар ўрганилган. Кейинги йилларда С.Власов, И.Каримов М.Эргашева ва бошқалар кремний икки оксид пардадан иборат диэлектрик қатлам ўрнига енгил эрийдиган, сиртни ҳимоялаш ва ажратувчи изоляция сифатида сиртда термодфектлар ҳосил бўлишига олиб келмайдиган кўрғошин-бор-силикатли шишадан иборат диэлектрик қатламдан фойдаланишни кўрсатиб ўтишган. Лекин бундай структураларда диэлектрик қатламнинг чегара соҳасига таъсири, ташқи босим, ультратовушли, термоцикли, ўта юқори частотали ишловлар деярли ўрганилмаган. Шунингдек, бундай МДЯ структуралар чегара соҳаларига турли хилдаги ташқи таъсирларнинг ўрганилиши натижасида МДЯ структурали асбобларнинг ишчи характеристикалари ўзгариш йўналиши динамикасини аниқлаб, улардан самарали фойдаланиш йўллари кўриб ўтилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасидаги илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Наманган давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг И.О.Т-2017-7-1 рақамли «Маҳаллий хомашё асосида куруқ сурков композицияларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш инновацион лойиҳа» (2017) лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади n-типдаги кремний сиртига кўрғошин-бор-силикатли шишани қоплаш билан ҳосил қилинган МДЯ структуралар чегара соҳаларида рўй берадиган физик жараёнларга барча турдаги таъсирлар натижаларини ўрганиш орқали ток ташувчилар динамикасида муҳим бўлган факторларларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқотда қўлланилган ишчи формулаларнинг барча турдаги ташқи таъсирлар остида МДЯ структуралар учун татбиқини умумий ҳолдаги кўринишга келтириш.

кремний-шиша чегараси соҳаси параметрларига шишанинг эриш температураси таъсирини аниқлаш.

яримўтказгич-шиша структураларнинг динамик характеристикаларига ҳар томонлама босимни, ўта юқори частотали ишловни, протон нурланишли ва ультратовушли ҳамда термоциклик ишловлар таъсирини ўрганиш.

C-V характеристикалар усули ёрдамида аниқланган ҳолат зичликлари тақсимотининг турли хилдаги таъсирлар натижасида ўзгариши орқали заряд шаклланиш тезлигига ҳар бир ташқи таъсир ролини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектлари металл (Al)-кўрғошин-бор-силикатли шиша ($PbO-SiO_2-B_2O_3-Al_2O_3-Ta_2O_5$ турдаги) ва n-тур $<100>$ кристалл йўналишга эга кремний кристали ҳамда Al-Si-SiO₂ структуралардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети металл-яримўтказгич-диэлектрик Al-SiO₂-n-Si ва Al-Si-шиша структуралар чегара соҳасида кечадиган физик жараёнлар ва шу жараёнларга турли хилдаги ташқи таъсирлар натижаларини умумлаштириб, заряд ташувчилар динамикасига таъсир этувчи омиллардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда юқори частотали C-V характеристикалар усули, Шоттки диодлари сифимининг изотермик релаксацияси, уч қатламли структуралар инверс қатламида заряд ҳосил бўлиш жараёнидаги сифим релаксацияси, диэлектрик исрофнинг бурчак тангенсини ўлчаш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўрғошин-бор-силикатли шишанинг эриш температураси 670° C дан юқори бўлганда кремний–шиша чегара соҳасида локаллашган электрон ҳолатлари зичлигининг ортиши аниқланган;

кўрғошин ионларида ушлаб қолинган электронларни чиқариб юборилиши ва уларнинг инверс қатлам зарядлари билан таъсирлашуви натижасида электрон инжекциясига учратилган структуралар инверс қатламида заряд шаклланиш тезлигининг камайиши аниқланган;

металл-диэлектрик-яримўтказгич структураларда сифим релаксацияси орқали назарий ҳисобланган фазавий заряд соҳаси кенглигининг вақтга боғланиши орқали ҳажмий ва сиртий генерация тезликларини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

Al-n-Si – шиша – Al структураларга 2,5 МГц частотали, 0,5 Вт қувватли ультратовуш билан 40 минут давомида берилган таъсир яримўтказгич шиша чегара соҳасида локаллашган электрон ҳолатлари интеграл зичлигини камайиши ва яримўтказгичдаги ҳажмий электрон ҳолатлари энергетик спектри ўзгармай қолиши аниқланган;

металл-диэлектрик-яримўтказгич структураларга ҳар томонлама ўта юқори частотали ишлов берилганда сирт ҳолат зичлигининг ўзгариши ва

сиртий генерация токининг камайиши натижасида фотосезгирликнинг ортиши кўрсатилган;

металл-диэлектрик-яримўтказгич структураларни протон билан нурлантириш чегара соҳасида мусбат заряднинг ортиши ва келгусида термик ишлов берилиши узилган боғларнинг ва ўз навбатида чегара соҳаси яқинида локаллашган мусбат заряднинг камайиши аниқланган;

термоциклик ишлов таъсирида сиртий ҳолатларнинг мусбат зарядлари зичлиги камайишини асословчи физик модел ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

металл-диэлектрик-яримўтказгич структураларга термоциклик ишлов берилганда сифимнинг номувозанат релаксация жараёнининг ҳароратга боғлиқлигини ўрганиш асосида металл-диэлектрик-яримўтказгич структура диэлектрик қопламасининг сифатини баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

босим, ультратовуш, ҳарорат, ўта юқори частота ва радиация таъсирида бўлган металл-диэлектрик-яримўтказгич структуралардан аналогли ва рақамли микроэлектрон қурилмаларнинг ҳамда интеграл микросхемаларнинг ишчи параметрларининг яхшиланиши аниқланган;

заряд боғланишли МДЯ структуралардан тайёрланадиган асбоблар ишчи характеристикаларини майдон орқали бошқариш асосан яримўтказгич-диэлектрик чегара соҳасида зарядлар динамикаси билан белгиланиб, турли хилдаги ташқи таъсирлар остида зарядлар шаклланиши, тезлиги, миқдори, ҳаракатчанлиги ҳақидаги янги маълумотлар беришда ўз қарорини топган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий ўлчаш усуллари ва натижаларини қайта ишлашда бир-бирига боғлиқ бўлмаган тажрибалар статистикаси ҳамда $n\text{-Si}\langle\text{Au}\rangle$, $n\text{-Si}$ -шиша структуралар бўйича олинган стандарт тажриба натижаларига мос келиши билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, берилган физик ҳарактерга эга бўлган металл-диэлектрик-яримўтказгич структураларни яратишнинг илмий-амалий асослари ишлаб чиқилган; яримўтказгич - диэлектрик чегара соҳасига турли ташқи омилларнинг таъсири натижасида сирт ҳолат зичлиги шаклланишининг физик механизми ўрганилган ва уларнинг таркиби, тузилиши ҳамда электрофизик хоссалари ҳақида янги натижалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, яратилган технологик ишланмалардан замонавий электроника ва микроэлектроника қурилмалари учун зарур бўлган металл-диэлектрик-яримўтказгич типдаги асбобларни ишлаб чиқариш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кремний асосли металл-шиша-яримўтказгич структуралар характеристикаларининг турли ташқи таъсирларга барқарор ва чидамлилигини аниқлаш асосида:

яримўтказгич-диэлектрик чегара соҳасида заряд ташувчилар динамикаси, заряд шаклланиш тезлиги ва миқдорининг ўзгаришидан «FOTON» акционерлик жамиятида ижобий характеристикаларга эга металл-диэлектрик-яримўтказгич транзисторлар тайёрлашда фойдаланилган («Узэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2017 йил 25 сентябрдаги

02-1953-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши металл-диэлектрик-яримўтказгич структуралар асосидаги транзисторларнинг тезкорлигини ўнлаб марта орттириш, сирқиш токини 5-10 марта камайтириш имконини берган;

металл-диэлектрик-яримўтказгич структураларда таъқиқланган зона бўйлаб ҳолат зичлигини ўзгариш натижалари Ф-2-21 рақамли «Яримўтказгич-диэлектрик чегарасидаги сирт ҳолатлар зичлигини аниқлашнинг математик моделлаштириш» лойиҳасида металл-диэлектрик-яримўтказгич структуралар чегара соҳасидаги ҳолат зичлигини физик жараёнларга таъсирини аниқлашда ишлатилган (Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 13 ноябрдаги ФТА-02-11/1068 -сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш металл-диэлектрик-яримўтказгич структураларда чегара соҳаси фазасидаги ҳолат зичлигининг шаклланишига таъсир этувчи омилларнинг ролини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 4 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола нашр этилган.

Диссертация ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, тўртта боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**МДЯ структуралар чегара соҳаси хоссаларига таъсир этувчи омиллар**» деб номланган биринчи бобида металл-диэлектрик-яримўтказгич структураларда яримўтказгич-диэлектрик чегара соҳасидаги электрофизик жараёнларга турли ташқи таъсирларга оид тадқиқотлар ўрганилган ва асосан юқори температурада кремнийни термик оксидлаш орқали олинган SiO₂ қатламли МДЯ структуралар тадқиқоти натижалари таҳлил этилган. Юқори температурадаги термик оксидлаш

кремний сиртидаги марказларнинг ва айрим параметрларнинг ўзгаришига олиб келгани учун бундай диэлектрик қатлам ўрнига нисбатан паст температурада эрийдиган ва шу билан бирга сиртни пассивлаштириш ҳамда изоляциялаш хусусиятларини ўзида мужассамлаган кўрғошин-бор-силикатли шишанинг афзалликлари кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, яримўтказгич-диэлектрик чегара соҳасидаги сиртий ҳолатлар зичлигининг яримўтказгич тақиқ зонаси бўйлаб тақсимоти ўзгаришига олиб келувчи ташқи таъсирлар бўйича ишлар таҳлили келтирилган.

Енгил эрувчи кўрғошин-бор-силикатли шишадан фойдаланишнинг афзаллиги содда ҳолда диэлектрик парда қопламнинг олиниши, юқори изоляцияловчи ҳамда пассивлаштирувчи хусусиятга ва истикболга эгаллиги кўрсатилиб, кўрғошин-бор-силикатли шиша асосидаги қопламали МДЯ структураларда турли хил таъсирлар остида рўй берадиган электрофизик жараёнлар бугунги кунга қадар етарлича ўрганилмаганлиги баён этилган.

Шунингдек, МДЯ структураларни шакллантиришда дастлаб диэлектрик-(шиша)-яримўтказгич чегара соҳаларидаги ҳолатлар зичлиги тақсимотига диэлектрик қатлам чегарасини, унинг эриш температурасини ва ташқи таъсирларни ўрганиш зарурати борлиги кўрсатилган.

МШЯ структураларнинг ишончли ва барқарор ишлашини таъминлашда бундай структураларга ультратовушли ишлов, термоциклик ишлов, ўта юқори частотали ишлов, радиацион ишлов каби ташқи таъсирлар остида рўй берадиган электрофизик жараёнларни ўрганиш кўп қатламли структуралар ишчи ҳарактеристикаларининг барқарорлигини таъминлашга йўналтириш мумкинлиги баён этилган.

«МДЯ структуралар сиғими ва релаксация ҳарактеристикаларини аниқлаш усуллари» номли иккинчи бобда диэлектрик қатлам намунани тайёрлаш учун кўрғошин-бор-силикатли шишанинг компоненталар таркибини ва массалар фоизини турлича танлаш билан кремний сиртига қоплаш усуллари кўрсатилиб, намуналар олиниш тартиби аниқланган.

Бу намуналарда юқори частотали C-V ҳарактеристика усулини Si-шиша чегара соҳасидаги электрофизик параметрларни аниқлаш учун қўлланишига оид ишчи формулалар кўрсатилиб, улардан яримўтказгич-диэлектрик чегара соҳасидаги сиртий ҳолатлар зичлигини аниқлашда фойдаланиш усуллари ёритилган.

МДЯ структурасидаги яримўтказгич ёки диэлектрик қатламда турли марказларнинг мавжуд бўлиши, яримўтказгич тақиқланган зона кенглиги бўйича сиртий ҳолат зичлиги тақсимот спектрига сезиларли таъсир қилади. Сиртий ҳолат зичлигининг яримўтказгич тақиқланган зонаси бўйича тақсимотини ўрганиш учун одатда МДЯ структураларнинг қоронғудаги юқори частотали C-V ҳарактеристикасидан фойдаланилади. Бу усул назарий ва тажриба усулида олинган C-V ҳарактеристикаларини таққослаш, сўнгра олинган натижалар фарқини қўйилган кучланиш катталиги бўйича дифференциялашга асосланган.

Шунингдек, биз сиғим релаксациясининг вақтга боғланишини ўрганишда МДЯ структураларни электронейтраллик шартидан келиб чиқадиган фазовий заряд соҳаси кенглигининг $X(t)$ вақтга боғланишини ҳисоблашга имкон берувчи формуладан

$$X = \left(x_0 + \frac{S}{A} \right) \exp\left(-\frac{A}{N} t \right) - \frac{S}{A} \quad (1)$$

(бу ерда S , A сиртий ва ҳажмий генерация тезликлари, N - киришма марказлари концентрацияси) ва МДЯ структуралар учун қабул қилинган сиғимнинг вақтга боғланиши

$$C(t) = \frac{\varepsilon_0 K C_D}{K + x(t) C_D} \quad (2)$$

(бу ерда C_D – диэлектрик сиғими, K – бошқарув электрод юзаси) ифодаларидан фойдаланган ҳолда ҳажмий ва сиртий генерация тезлигини ҳар бир экспериментал боғланишга солиштириб аниқлаш мумкинлигини таклиф этдик.

Боб охирида ўлчов қурилмаларининг ишлаш тамойили ҳамда намунага кўрсатиладиган таъсирлар натижаларини ўлчовчи, юқори частотали компенсацияловчи кўприк схемалари кўрсатиб ўтилган.


«Металл-диэлектрик-яримўтказгич структуралар сиғим-кучланиш характеристикаларига ташқи ишловларнинг таъсири» номли учинчи бобда МДЯ структураларнинг характеристикаларини ўрганишдан олдин дастлаб яримўтказгич тақиқ зонаси бўйлаб ҳолат зичлигини аниқлашдаги хатоликлар чегараси аниқланди.

Бунинг учун сиртий ҳолат зичлигининг яримўтказгич тақиқланган зонаси бўйича тақсимоти (бошланғич кремнийдаги кислород концентрацияси $3 \cdot 10^{17} \text{ см}^{-3}$ га тенг бўлган 5 та структура ишлатилиб, уларнинг ҳар бири 5 мартадан бир шароитда ўлчанди) юқори частотали C - V характеристикалар ёрдамида қайта ишланди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики (1-расм), C - V характеристиканинг инверс соҳасида ва кучли бойитилган соҳада сиртий ҳолат зичлигини аниқлаш сезиларли четланишларга олиб келади.


Кейинги изланишларда сиртий ҳолатлар юзага келишида яримўтказгич тагликдаги марказлар ролини аниқлаш учун Шоттки диодларидан фойдаланилди. Si тақиқ зонаси бўйлаб сирт ҳолатлари интеграл зичлигининг спектрал тақсимоти аниқланди. C - V характеристикаларни ўлчаш қоронғуликда 350 кГц частотада ва хона температурасида гидростатик босим таъсирида ўтказилди. 2-расмда эса диодларнинг турли қалинликдаги яримўтказгич соҳаларида олинган характеристикаларининг қиймати ўзгариши кўрсатилган.

Юқоридагиларга асосан, босим таъсири $\left(\frac{S}{C} \right)^2 \approx U$ боғланишларни турли хил қияликка эга бўлган икки соҳага ажратади. 2-расмга кўра айтиш мумкинки, босим таъсири металлга яқин яримўтказгичнинг – 3 мкм қалинликкача бўлган I – соҳасида асосий заряд ташувчиларнинг концентрацияси $7 \cdot 10^{14} \text{ см}^{-3}$ ни ташкил этади ва босим таъсирида ўзгармайди. 3 мкм дан катта узунликда

эса (II – соҳа) асосий заряд ташувчиларнинг концентрацияси камайиб, $6,8 \cdot 10^{14} \text{ см}^{-3}$ га тенг бўлиб қолади. Босим таъсирида қияликнинг ўзгариши яримўтказгичнинг тақиқ зонасида чуқур энергетик сатҳларнинг ҳосил бўлиши ва асосий заряд ташувчилар концентрациясининг камайишига олиб келиши билан боғлиқлиги кўрсатилди.



1-расм. Яримўтказгич тақиқланган зонаси кенглиги бўйлаб сирт зичлиги ҳолатлари 5 та намунада тақсимланиши ўрталашган схемаси.




2-расм. Шоттки диодлари учун $(S/c)^2$ ning U га боғланиши. 1- бошланғич ўлчаш, 3-4 кБар босим таъсирида.


Шу қурилмадан фойдаланиб, куйидаги Al – SiO₂ – Si таркибдаги металл-диэлектрик-яримўтказгич структуранинг қоронғуликдаги юқори частотали C-V ҳарактеристикаларини 21⁰ С температурада ва 150 кГц частотада ўрганилди (3-расм).

Бу ҳарактеристикаларда – 0,5 В ли кучланиш қийматида монотонлик бузилган. Бу бузилиш сирт ҳолат зичлигининг тақиқ зона бўйлаб тақсимотидаги ўзгаришни кўрсатади. Шу структура учун сирт ҳолатларининг яримўтказгич тақиқ зонаси бўйлаб интеграл тақсимотида 0,5 В кучланишга мос келган $E_C = 0,75$ эВ энергия қийматида ҳам номонотонлик кузатилади (4-расм).

$E_C = 0,75$ эВ энергия қийматида локал максимум кузатилди. Умуман, сирт ҳолат зичлигининг тақиқ зона бўйлаб бундай номонотон ўзгариши яримўтказгичдаги киришма марказлари туфайлими ёки яримўтказгичга ёпишган диэлектрик қатлам туфайли рўй берадими, буни билиш учун диэлектрик қатламни кимёвий усулда олиб ташлаб, олтинни пуркаш йўли билан Шоттки баръери ҳосил қилиниб, изотермик релакция усули ёрдамида киришма марказларининг концентрацияси ва энергия қийматлари аниқланди.



3-расм. Al – SiO₂ – n – Si структурани юқори частотали вольт – фарада ҳарактеристикаси (диэлектрик қатлам сифими C₀ катталиги бўйича нормаллаштирилган).




4-расм. Тадқиқ этилаётган структураларда Si тақик зонаси кенлиги бўйича сиртий ҳолатлар зичлигининг интеграл тақсимланиши. (1 – намуна, 2 – термик ишловдан кейин)


Шоттки диодларининг тақик зонасида E_c яқинида – 0,43 эВ энергияли ва $4 \cdot 10^{12} \text{ см}^{-3}$ концентрацияли генерация марказлари борлиги аниқланди. Кучланиш ишора қийматининг ўзгариши орқали қайта зарядланиши мумкин бўлган 10^{12} см^{-3} дан юқори марказларнинг борлиги аниқланмади. Бу эса сирт ҳолат зичлигидаги номонотонликка сабаб яримўтказгич таглик бўла олмаслигини кўрсатади. Энди бу номонотонликка сабаб диэлектрик қатлам бўлиши мумкинлигини аниқлаш мақсадида структурага термик ва юқори майдон таъсирида 12 соат ишлов берилди. Назорат ўлчовларининг кўрсатишича, C-V ҳарактеристика манфий томонга бир оз силжиса-да, умумий шакл сақланиб қолади. Бу эса диэлектрик қатлам ҳам сирт потенциали тақсимотига жавобгар эмаслигини кўрсатади. Демак, сиртий ҳолат зичлигининг номонотон тақсимотига яримўтказгич-диэлектрик чегара соҳасида локаллашган марказлар сабаб бўлар экан. Кичик камайтирувчи кучланишларда бу марказ нейтрал бўлади. Катта инверс кучланишларда улар ионлашиб электронлар инверс соҳа зарядини камайтиради. Тўла ионлашиб бўлганда, инверс соҳа заряди яна ортади ва сифимнинг камайиши давом этади.

Қуйида Si–шиша бўлиниш чегарасида локаллашган сирт зарядлари зичлигининг шишали диэлектрик қатламни қоплаш технологияси билан бўладиган термик ишлов бериш режимига боғланиш натижалари келтирилган. Металл-шиша-яримўтказгич структуралар сифимининг изотермик релаксацияси усулидан (структурага қўйилган кучланишни V_1 дан V_2 га ўтказгандан сўнг $|V_2| > |V_1|$ инверс қатламда заряд юзага келиш жараёнидан) фойдаланилди.

Солиштирма қаршилиги 5 Ом см бўлган кремний асосда тайёрланган 2 та структуранинг релаксация боғланиши ва интеграл зичлик тақсимотлари 5 – 6-расмларда келтирилган. Биринчи боғланиш $T=670^{\circ}\text{C}$ температурада эритишдан ҳосил бўлган структура учун бўлса, иккинчиси $T=720^{\circ}\text{C}$ температурага тўғри келади.



5-расм. Ўрганилаётган структураларнинг релаксацион боғланиши.




6-расм. Сирт ҳолатлар интеграл зичлигининг тадқиқот структураларидаги тақсимоти.

Келтирилган боғланишлардан кўрамизки, ҳар икки структура учун ҳам сирт ҳолатлари интеграл зичлиги тақсимоти бир хил кўринишга эга. Лекин юқори температурада эритилган структураларда сирт ҳолат зичлигининг абсолют қиймати нисбатан юқорироқ бўлади. Бу натижалардан айтиш мумкинки, шишани 720°C температурада эритилиб тайёрланган структураларда инверс қатламда заряд ҳосил бўлиш тезлиги яримўтказгич-шиша бўлими чегара соҳасида локаллашган электрон ҳолатлари зичлигининг ортиши туфайли рўй беради. Демак, сиртни кўрсатилган таркибдаги кўрғошин-бор-силикатли шиша билан пассивлаштириш учун шиша қоплама шакллантирилаётганда уни 670°C температурада эритиш мақсадга мувофиқ экан.

Кейинги тадқиқотларда Si–шиша фазалараро чегара соҳаси хоссаларига протон нурланишли ишлов таъсири ўрганилиб, тайёрланган структуралар $1,5\text{ МэВ}$ (протон/см²) дозали протонлар нурланишига учратилди.

7-расмда тадқиқ этилаётган структураларнинг шиша қатлами сифимига нормаллаштириб ҳисобланган (узлуксиз боғланиш) ва тажрибадаги (1–3) C–V характеристикалари келтирилган. Бунда 1-боғланиш назорат структурага мос келади, 2-боғланиш протонлар билан нурлатилган структураларга мос келади, 3-боғланишни протон нурланишдан сўнг 250°C температурада 40 минут давомида термик ишлов берилгандан кейин олинган. C–V боғланишда манфий кучланишлар томон силжиши чегара соҳасида локаллашган ёки шишанинг чегара соҳаси яқинида туриб олган мусбат заряд




7-расм. Тадқиқ этилаётган тузилмалар C-V характеристикалари.


мавжудлигини кўрсатади. Термик ишлов эса мусбат заряднинг камайишига олиб келади.

Сўнгра термоцикли ишловнинг сирт ҳолат зичлигига таъсири ўрганилиб, унда Al-SiO₂-n-Si<Ni> структураларни 20 секунд давомида суюқ азотда ушлаб туриб, кейин атмосферага чиқариш билан бажарилди. Натижалар 8-расмда кўрсатилган.

Расмда термик ишловсиз синов Al-SiO₂-n-Si<Ni> структураси учун ва 15-20 марта термик ишловдан сўнг олинган дифференциал тақсимотлар алоҳида келтирилган. Сирт ҳолатлари зичлиги тақсимотида маҳаллийлашган максимумлар йўналиш




8-расм. Тақққ этилган структураларда сирт ҳолат зичлигининг тақсимоти: 1-термик ишловгача, 2 – 15та термик ишловдан кейин, 3 – 30та ишловдан сўнг.



9-расм. Механик кучланиш майдонида киришма атомлари миграцияси туфайли сирт ҳолатлари зичлиги камайишининг содда модели.

билан кўрсатилган. Келтирилган боғланишлардан кўринадики, биринчи 10 - 15 мартали термик ишлов берилганда сирт ҳолатлари зичлиги тақсимооти бироз текисланиб, абсолют қиймат жиҳатдан камаяди. Сирт ҳолат зичлиги тақсимоотининг бундай ўзгариши умумий интеграл мусбат заряднинг камайишини кўрсатади.

Сирт ҳолат зичлигининг бундай ўзгаришини қуйидаги физик модел асосида изоҳлаш мумкин. Кремний оксидининг 25°C иссиқлик кенгайиш коэффиценти $4 \cdot 10^{-6} \text{ град}^{-1}$ бўлса, кремний кристалининг шу шароитдагиси $5,75 \cdot 10^{-6} \text{ град}^{-1}$. Шунинг учун хона температурасида диэлектрикнинг чегара соҳаси томонидаги қатлам бир оз чўзилган бўлса, кремний қатлами бир оз сиқилган. Механик кучланишлар катталигидаги фарқ узилган валент боғлар ҳосил бўлишига ва сиртда донор типидagi электрон ҳолатларининг юзага келишига олиб келади. Температура пасайганда, механик кучланишлар орасидаги фарқ янада ортади. Лекин исиш-совиш орқали бўладиган таъсир



10-расм. Тадқиқ этилаётган структуралардан бирининг вольт-фарад характеристикасини (шиша қатлами сифимига нормаллаштирилган) (1) – бойитувчи кучланиш кўйилгунга қадар, (2-4) – бойитувчи кучланиш кўйилгандан сўнг ва (5) – 4 кБар босимда ҳар томонлама сиқувдан кейинги боғланишлари.


тугунлараро электр активлиги бўлмаган киришма марказларининг Si-SiO₂ чегара соҳаси томон миграциясига олиб келади (9-расм). Улар энди кремнийдаги кучланишли ва узилган валент боғлар билан таъсирлашиб, сирт ҳолатлари мусбат зарядларини камайтиради.

Шунингдек, бу бўлимда ярим-ўтказгичли тагликдан инжекцияланаётган электронларнинг шиша тузилишида туриб олган мусбат заряд катталигига таъсир натижалари ҳам келтирилган. 10-расмда қоронғуда, 150 кГц частотада ўлчанган тадқиқот структураларининг C-V характеристикалари келтирилган.

Бойитувчи импульс кучланиши кўйилгунга қадар (1-боғланиш), бойитувчи кучланиш кўйилгандан сўнг (50 В, давомийлиги 0.2 - 0.4 сек. 2 – 4 боғланишлар мос ҳолда), бойитувчи кучланиш таъсиридан ва 4 кБар катталиқ билан ҳар томонлама гидростатик босимдан кейин (5-боғланиш). Импульсли таъсир натижасида C-V характеристика мусбат кучланиш томонга силжийди. Мавжуд назарияларга кўра, n-тип ўтказувчанликка эга яримўтказгич асосида тайёрланган МДЯ структуралар учун C-V характеристикаларнинг мусбат кучланиш томон силжиши шиша тузилишдаги мусбат (фиксирланган) зарядни камайишини кўрсатади. Қўрғошин-бор-силикатли шиша

структурада мусбат заряднинг камайиши яримўтказгичдан инъекцияланган электронларнинг осон кутбланувчи кўрғошин ионлари яқинида локаллашиши ва уларнинг кристалл фаза киришмалари потенциал тўсиқларида тўпланишидан юзага келиши мумкин. Бу фаразни текшириш учун шу технология усулида, лекин PbO миқдори кам бўлган ўхшаш структуралар тайёрланди. PbO миқдори камайтирилган структурага импульсли кучланиш таъсири натижасида C–V характеристиканинг мусбат томонга силжиши анча камайиб кетди, айрим алоҳида структуралар учун ҳатто кузатилмади ҳам. Ҳар томонлама босим эса яримўтказгич билан чегара соҳасига яқин ҳолат зичлигининг камайишига ва ўз навбатида инверс қатламда заряд камайишига олиб келади.

«Металл-шиша-яримўтказгич структуралар релаксация характеристикаларига ташқи ишловларнинг таъсири» номли IV бобда дастлаб металл-диэлектрик-яримўтказгич структураларнинг релаксация хоссаларига ҳар томонлама сиқув, ўта юқори частотали ва ультратовушли ишлов таъсири натижалари келтирилган бўлиб, уларнинг сифат жиҳатдан 11-расмда келтирилган ультратовуш таъсирида кузатилган релаксация боғланишига ўхшашлиги кўрсатилган.




11-расм. Тадқиқ этилаётган структураларнинг тажрибадаги релаксация боғланиши.

11-расмда тадқиқ этилаётган структуралардан бирининг 80°C температурада, қоронғуликда инверс кучланишни 8 Вольтдан 20 Вольтга ўзгартирилгандан кейин ўлчанган сиғим релаксация боғланиши келтирилган. Бу ерда 1-боғланиш назорат структурага, 2-боғланиш эса ультратовуш таъсирига учратилган структуралар учун келтирилган. Боғланишлардан кўринадики, назорат структура сиғими ўзининг мувозанат ҳолатига тезроқ релаксацияланади.

Инверс соҳа зарядининг шаклланиш тезлиги ҳажмий ва сиртий генерация тезликлари билан белгилангани учун уларнинг улушини аниқлашда II бобда келтирилган (1) ва (2) формулалар ёрдамида ҳар бир ҳолат учун тажрибавий $C(t)$ боғланишдан фойдаланиб ҳисоблангани билан тажриба натижаларини солиштириш орқали олинган $C(t)$ боғланишлар 12-расмда келтирилган.


Олинган натижалардан сиртий S ва ҳажмий A генерация тезликларининг $A = (8-9) \cdot 10^{13} \text{ с}^{-1} \text{ см}^{-3}$ ва $S = (1-2) \cdot 10^9 \text{ с}^{-1} \text{ см}^{-2}$ қийматларида яхши мослик кузатилди. Бу ҳолат ультратовуш таъсирида яримўтказгич ҳажмидаги киришма марказларини энергетик тақсимоти деярли ўзгармаслигини кўрсатди. Сиртий генерация тезлигининг назоратдаги ($S = 4 \cdot 10^9 \text{ с}^{-1} \text{ см}^{-2}$) қийматдан ультратовуш таъсиридан сўнг ($S = (1-2) \cdot 10^9 \text{ с}^{-1} \text{ см}^{-2}$)

пасайиши сиртий ҳолат зичлиги ўзгариши билан боғлиқ. Бу фарзани текшириш учун ҳажмий генерация тезлигини белгиловчи асосий факторлар,



12-расм. Назорат намуналаридан бирининг кучланиши $V_1 \rightarrow V_2$ ($V_1 = 8, V_2=15 \text{ В}$) улангандан кейинги 150 кГц частотада -11°C температурада ўлчанган тажрибавий (1,3-боғланиш) ва назарий (2,4-боғланиш) $C(t)$ боғланиши.

яъни яримўтказгич ҳажмида локаллашган чуқур энергетик спектрлар ва уларнинг концентрацияси ҳамда заряд ташувчиларнинг яшаш вақти каби катталиклар аниқланди. Бунинг учун шиша қатлами олиб ташланиб, Шоттки диоди тайёрланди. Назорат намуналаридан бирининг кучланиши $V_1 \rightarrow V_2$ ($V_1 = 8, V_2=15 \text{ В}$) ўзгартиргандан кейинги 150 кГц частотада, -11°C температурада сиғим изотермик релаксацияси усули ёрдамида энергетик тақсимот ва диоднинг база соҳасида локаллашган киришма марказлари концентрацияси аниқланди. Барча Шоттки диодларида – назоратдагисида ҳам, ультратовуш таъсирига учрагандан сўнг тайёрланган структураларда ҳам киришма марказлари энергетик ҳолати ($E_V=0,27\text{эВ}$ ва $E_C=0,54\text{эВ}$, шунингдек, уларнинг концентрацияси $n=(3-5)10^{12}\text{см}^{-3}$) амалда бир хил (турли диодлар учун бу қийматларнинг четланиши 5–7% ни ташкил этади) ва тажриба хатолиги ичида ётади. Фикримизча, булар ультратовуш таъсирида ҳажмий генерация марказлари параметрларига таъсир қилмаслигини




13-расм. Структура яримўтказгич тақик зонаси кенлиги бўйлаб сиртий ҳолатлар интеграл зичлиги тақсимоти. 1-боғланиш назорат намунаси, 2-боғланиш ультратовуш таъсиридан сўнг.

кўрсатади. Юқори частотали $C-V$ усули ёрдамида сирт интеграл ҳолат зичлигини ўлчашлар (13-расм) ультратовуш таъсирига учратилган структураларда (2-боғланиш) сиртий ҳолатлар интеграл зичлиги тақсимоти назорат намуналарига нисбатан (1-боғланиш) камайишини кўрсатади.

Бу камайиш энергиянинг $E = E_C - 0,4эВ$ қийматидан катта қийматларида сезиларли бўлади. Бундай яримўтказгич чегара соҳасида локаллашган заряд зичлигининг камайиши босим, ўта юқори частотали, протон нурланишли ва термоцикли ишловлар таъсирида ҳам кузатилди.

Кремнийни тақик зонаси бўйлаб сирт ҳолатлари зичлигининг спектрал тақсимоти ультратовуш таъсиридан сўнг деярли ўзгармагани учун, металл-шиша-яримўтказгич структураларда ультратовуш таъсири яримўтказгич-шиша чегара соҳасидаги шиша қатламлари структурасида ўзгаришга олиб келади деб айтиш мумкин. Ультратовуш таъсиридан сўнг сиртий генерация тезлигининг камайиши ва унинг вақт бўйича ўзгаришига, шиша таркибидаги кристалл қўшимчалар чегара соҳасининг кенглиги ва сони камайишига сабаб бўлиши мумкин. Буни текшириш учун МДЯ структурадан химик усулда бошқарув электроди олиб ташланди. Сўнгра шиша сиртининг микрофотографияси олинди.



14-расм. Тадқиқ этилаётган структуралар сиртининг микрофотографияси а) ультратовуш таъсиригача. б) $P=0.5 \text{ W/cm}^2$ қувватли ультратовуш $t=90$ мин. таъсир этгандан сўнг.

14-расмда 2800 марта катталаштирилган иккала структурадаги шиша сиртининг микрофотографияси келтирилган. Расмларни таққослашдан ультратовуш таъсир этган структураларда шиша сирти бироз турли қўшимча ва нотекикликлардан холи бўлгани кўринади.

Ультратовуш таъсиридан сўнг сиртий заряд ташувчилар генерацияси тезлигининг камайиши билан шиша таркибига кирувчи кристалл қўшимчалар сони ва уларнинг чегара соҳалари узунлигининг камайиши ўртасидаги ўзаро мослик кузатилишидан айтиш мумкинки, ультратовушли ишлов чегара соҳаларидаги зўриққан валент боғларнинг қайта тақсимотига олиб келиб, генерация-рекомбинация хоссаларини яхшилайд.

ХУЛОСА

МДЯ структуралар чегара соҳасидаги физик жараёнларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш асосида:

1. Al-Si- қўрғошин-бор-силикатли шиша-Al- структуралар чегара соҳасида заряд ташувчилар динамикасига турли хилдаги ташқи таъсирлар натижалари комплекси ўрганилган.

2. Қўрғошин-бор-силикатли шишанинг эриш температураси 670°C дан юқори бўлганда, шишанинг чегара соҳасида локаллашган электрон ҳолатлари зичлигининг ортиши аниқланган.

3. Электронлар инъекцияси натижасида Si – қўрғошин-бор-силикатли шиша структуралар инверс қатламида заряд шаклланиш тезлигининг камайиши кузатилган ва бу камайиш қўрғошин ионларида ушлаб қолинган электронларнинг чиқариб юборилиши ва уларнинг инверс қатлам зарядлари билан таъсирлашуви туфайли эканлиги аниқланган.

4. Al-n-Si – шиша – Al структураларга 2,5 МГц частотали, 0,5 Вт қувватли ультратовуш билан 40 минут давомида таъсир эттирилганда, яримўтказгич-шиша чегара соҳасида локаллашган электрон ҳолатлари интеграл зичлигининг камайишига олиб келиши ва яримўтказгичдаги ҳажмий электрон ҳолатлари энергетик спектрига таъсир этмаслиги кўрсатилган.

5. МДЯ структураларнинг ҳар томонлама ўта юқори частотали ишловга учратилиши сирт ҳолат зичлигининг ўзгаришига ва сиртий генерация токининг камайишига олиб келган. Сирт генерация токининг камайиши фотосезгирликни ортишига олиб келган.

6. Протон билан нурлантирилган структураларнинг чегара соҳасида мусбат заряднинг ортиши ва кейинги термик ишлов берилиши узилган боғларнинг тикланишига ва ўз навбатида Si-шиша чегара соҳаси яқинида локаллашган мусбат заряднинг камайишига олиб келиши кузатилган.

7. МДЯ структуралар сиғим релаксацияси орқали назарий ҳисобланган фазовий заряд соҳа кенглигининг вақтга боғланишидан ҳажмий ва сиртий генерация тезликларини аниқлаш усули таклиф этилган.

8. Термоциклик ишлов таъсирида сиртий ҳолатларнинг мусбат зарядлари зичлиги камайишини тушунтирувчи физик модел таклиф этилган. Исиш ва совиш цикллари тугунлараро электр активлиги бўлмаган киришма марказларининг Si-SiO₂ чегара соҳаси томон миграциясига олиб келган. Улар кремнийдаги кучланишли ва узилган валент боғлар билан таъсирлашиб сирт ҳолатлари мусбат зарядларини камайтирган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 28.02.2018. FM.60.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ АНДИЖАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КУЧКАРОВ БЕХЗОД ХОШИМЖОНОВИЧ

**ДИНАМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА МЕЖФАЗНЫХ ГРАНИЦ РАЗДЕЛА
ПОЛУПРОВОДНИК-ДИЭЛЕКТРИК**

01.04.10 – Физика полупроводников

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Андижон – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1. PhD/FM42.

Диссертация выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.adu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net/uz.

| | |
|-------------------------------|--|
| Научный руководитель: | Маматкаримов Одилжон Охундаевич, доктор физико-математических наук |
| Официальные оппоненты: | Каримов Абдулазиз Вахитович доктор физико-математических наук, профессор Каримов Иброхим Набиевич доктор физико-математических наук |
| Ведущая организация: | Ферганский государственный университет |

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD. 28.02.2018.FM.60.01 при Андижанском государственном университете. (Адрес: 170100, г. Андижан, ул. Университетская, дом 129. Зал конференций Андижанского государственного университета Тел./Факс: 0(374) 233-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского государственного университета (зарегистрирована за № ____). Адрес: 170100, г. Андижан, ул. Университетская, дом 129. Зал конференций Андижанского государственного университета Тел./Факс: 0(374) 233-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 г.
(протокол рассылки № _____ от «__» _____ 2018 г.)

С.З.Зайнабидинов

Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.ф.-м.н., академик

А.О.Курбанов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученой степени, к.ф.-м.н.,

М.З.Носиров

Заместитель председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученой
степени, к.ф.-м.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире уделяют большое внимание повышению стойкости и устойчивости к внешним воздействиям рабочих характеристик полевых транзисторов, элементов памяти, микросхем, создаваемых на основе металл-диэлектрик-полупроводника (МДП), которые являются базовыми элементами современной электроники.

В этом отношении имеет особое значение исследование, посвященное углубленному пониманию механизма физических процессов, происходящих на границе раздела полупроводник-диэлектрик. В этом аспекте целевые научные исследования, в том числе изучение практического решения научных задач являются важными по следующим направлениям: повышение степени интеграции устройств, созданных на основе МДП структур; управление с высокой точностью скоростью формирования носителей заряда на границе фаз раздела диэлектрик-полупроводник; обеспечение стойкости к различным внешним воздействиям устройств на основе МДП структур.

В соответствии со «Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» является важным поощрение научно-исследовательской и инновационной деятельности, обращение особого внимания на задачи создания эффективного механизма применения на практике научных и инновационных достижений, в том числе, в области полупроводниковой физики, уделялось особое внимание получению многослойных МДП структур на основе кремния, устойчивых к внешним воздействиям.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит ответственному выполнению задачи, предусмотренной в ряде указов и Постановлений Президента страны, в том числе в Указе Президента № УП-4947 «О мерах по дальнейшей реализации Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», от 7 февраля 2017 года и в Постановлении Президента № ПП-2772 «О приоритетных направлениях развития электротехнической промышленности в 2017-2021 гг.», от 13 февраля 2017 года, и № ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере и изложенных в соответствующих законодательных актах.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Настоящая работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан «III. Развитие использования источников возобновляемой энергии».

Степень изученности проблемы. Ряд работ выполнен по изучению различных внешних воздействий на свойства переходных слоев полупроводник-диэлектрик, из которых многие посвящены широко

используемым структурам, состоящим из кремния-диоксида кремния. Исследованиями электрофизических свойств трехслойных структур занимаются в научно-исследовательских центрах ведущих стран мира. В частности М.Шимбо, С.Таи, М.Киоши (Япония), В.Керн, Г.Л.Счанабл (США), П.С.Винокукс, И.Броесч (Англия) исследовали механизмы образования поверхностных зарядов в МДП структурах. Широко изучено российскими учёными А.А.Лебедевым, Л.С.Берманом, В.И.Фистулем, А.С.Барабаном, П.П.Коноровым, действие локализованных центров на механизм образования носителей заряда на поверхности полупроводника. Узбекские академики М.С.Саидов, Р.А.Муминов, А.Т.Мамадолимов внесли достойный вклад в просветление механизма электрофизического процесса в полупроводниковых структурах. Методы управления свойствами полупроводника введением различных примесей развиты академиками М.Баходирхоновым и С.З.Зайнабидиновым, а также известными учёными К.П.Абдурахмановым, А.В.Каримовым и другими. На физическом факультете НУУз и Физико-техническом институте АН РУз под руководством С.И. Власова изучены результаты различных внешних воздействий на физические процессы, происходящие в разделе граничных фаз диэлектрического слоя, состоящего из плёнки кремния n-типа с различными примесями и два оксида кремния. В том числе, Ш.Х.Далиевым, П.Б.Парчинским и другими изучены влияние внешних давлений, температуры, электрического поля, ультразвуковой и термоциклической обработки гамма и протонного излучения и др. на рабочие характеристики граничной фазы между поверхностью кремния n-типа и плёнки диоксида-кремния. В последние годы С. Власов, И.Каримов, М.Эргашева и другие показали, что вместо диэлектрического слоя, состоящего из плёнки диоксида-кремния, можно использовать легкоплавкий и не приводящий к термодетектам на поверхностях, диэлектрический слой, состоящий из свинцово-боро-силикатного стекла.

Однако в этих структурах еще не изучено действие самого диэлектрического покрытия и различных внешних воздействий на динамику носителей заряда на границе раздела фаз. Также не рассмотрены пути эффективного использования, определяя динамику направления изменения рабочих характеристик приборов, имеющих структуру МДП, в результате изучения различных внешних воздействий на фазы границы раздела структур МДП.

Связь исследования с тематическими планами научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, где выполнена диссертация. В Наманганском государственном университете диссертационное исследование выполнено в рамках плана И.О.Т.-2017-7-1 «Разработка производства сухих смазочных композиций на основе местного сырья» (2017 г.)

Целью исследования является определение значимых факторов в динамике носителей заряда на основе изучения результатов всех внешних воздействий на физические процессы, происходящие на границе раздела фаз

в структурах МДП, образованных покрытием на поверхность кремния n-типа свинцово-борного-силикатного стекла.

Задачи исследования:

для всех видов воздействия применяемые в исследовании рабочие формулы привести в общий вид;

определить влияние температуры оплавления стекла на параметры границы раздела фаз полупроводник-стекло;

изучить влияние всестороннего давления, протонного излучения, ультразвуковых, СВЧ, и термоциклических обработок на динамические характеристики граничных фаз диэлектрик-полупроводник;

сравнивая результаты по распределению плотности состояний, определяемые методом C-V характеристики, выявить роль каждого внешнего воздействия на скорости формирования заряда.

Объекты исследования является структуры металл (Al) - свинец-бор-силикатное стекло (типа $PbO-SiO_2-B_2O_3-Al_2O_3-Ta_2O_5$), состоящие из кристаллического кремния n-типа с кристаллическим направлением $\langle 100 \rangle$ и структуры Al-Si-SiO₂.

Предметом исследования является изучение физических процессов, происходящих на границе раздела структур металл-полупроводник-диэлектрик Al-SiO₂-n-Si и Al-Si-стекло. Определение методом вольт-фарадных характеристик распределения плотности поверхностных состояний по ширине запрещённой зоны Si, обобщая результаты различных внешних воздействий на эти процессы, определить факторы влияющие на динамику носителей заряда.

Методы исследований. Для проведения исследований использовались методы высокочастотной вольт-фарадной характеристики, изотермическая релаксация ёмкости диодов Шоттки, ёмкостной релаксации в процессе образования заряда в инверсном слое трехслойной структуры, измерения тангенса угла диэлектрических потерь.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

при температуре плавления свинцово-боросиликатного стекла выше, чем 670⁰ С растет плотность электронных состояний локализованных на границе раздела фаз;

